

Рўздор киши атир, мисвок ишлатиши мумкинми?

15:57 / 24.04.2016 12975

Ҳазрат, рўзага доир қуйидаги саволларим бор эди:

1. Ҳазрат, рўздор инсон атир ишлатса, бўладими? Масалан, сепиладиган ёки суриладиган. Суриладиган атир ишлатса, рўза бузилмайдими?
2. Рўзада мисвок ишлатса бўладими?
3. Рўздор одамнинг бирор жойи тирналса ёки кесиб олса, қон чиққанда рўза бузилмайдими?

ЖАВОБ: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

1. Рўздорнинг ичига унинг ихтиёрисиз тутун, чангу ғубор ёки пашша кирса ҳам рўзаси очилмайди. Аммо рўздорлигини эслаб туриб хушбўй нарсани тутатиб ҳидласа, рўзаси очилади.

Атир ишлатиш рўзани очмаса-да, ундан сақланган яхши.

2. Рўздор мисвок ишлатса, бўлади. Аммо Пешиндан кейин ишлатмагани яхши.

Мисвок қилиш ва сурма қўйиш макруҳ эмас.

Омир ибн Рабийъа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Мен Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг рўздор ҳолларида мисвок қилаётганларини санаб саноғига, ҳисоблаб ҳисобига ета олмайдиган даражада кўп кўрганман».

Абу Довуд, Бухорий ва Термизий ривоят қилишган.

Рўза тутган одам мисвок қилиши яхши эканини уламолар жумҳури таъкидлаган. Шу билан бирга, баъзи уламолар рўздорнинг оғзидан чиқадиган ҳид Аллоҳнинг ҳузурида мушки анбарнинг ҳидидан афзаллиги ҳақидаги ҳадиси шарифнинг эътиборидан, завоқ вақтидан кейин мисвок қилмаган яхши, дейишади. Чунки, рўздорнинг оғзидан ўша ҳид завоқ вақтидан кейин чиқа бошлайди.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга:

«Кўзим оғриб қолди, рўзадор ҳолимда сурма қўяверайми?» – деди. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ҳа», – дедилар».

Термизий ривоят қилган.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Рамазонда рўзадор ҳолларида сурма қўйганлар».

Ибн Можа ривоят қилган.

Анас розияллоҳу анҳу ҳам рўзадор ҳолларида сурма қўяр эдилар.

3. Қон чиқиши рўзани бузмайди. Валлоҳу аълам.